

Аслида рўзани қандай тутишимиз керак?



09:30 / 06.04.2022 3041

Рўзадор ўзини фақатгина Аллоҳнинг зикри учун бағишлаши керак, телевизор кўриш учун эмас. Рўзадор намоз учун, қиёмул лайл (таровеҳ), Қуръон тиловати ва унинг оятлари маъносини тадаббур қилиш учун вақтини сарф қилиши керак. Ўйин-кулгу, куй-қўшиқларни ҳиргоя қилиш учун эмас. Саодат асрида Рамазон кўпинча ғазотлар, Аллоҳ йўлида жон фидо қилишлар оғир бўлган. Масалан, Бадр ғазоти Рамазон ойида бўлган, мўғулларга қарши жанг ҳам Рамазон ойида бўлган, салбчиларга қарши уруш ҳам Рамазон ойида бўлган. Юксак даражадаги ҳақиқий рўза мана шундай бўлади.

Танбаллик, кун бўйи ухлаш, тун бўйи телевизор қаршисида бедор бўлиш, эрталаб ишга дангасалик билан туриш, одамлар билан қўпол, жиззаки ва асабий ҳолда муомала қилиш билан тутилган рўза юксак даражадаги рўза эмас. Аллоҳ таоло бунга ўхшаган рўзалардан беҳожатдир. У Зот ундай рўзани эгасининг ўзига қайтаради ва уни қабул қилмайди. Натижада бундай рўза тутган одам фақат очлик ва чанқоқликни қўлга киритади.

Чинакам рўза тана деб аталган уловга миниб, уни Аллоҳнинг розилигига сабаб бўладиган солиҳ амаллар, гўзал сўз ва ҳақиқий ибодат қилишга ундашдир. Ўзингиздан сўрангчи, юқорида айтилган юксак даражадаги рўзанинг қайси сифати сизда топилар экан. Бу саволни ўзингизга

берсангиз, рўза ибодатини қай даражада адо этаётганингизни англаб етасиз.

***Достор Мустафо Маҳмуд раҳимахуллоҳнинг “Ислом нима?”
китобидан***

Нозимжон Ҳошимжоннинг эркин таржимаси

Муҳаррир: Абдулазиз Раҳим